

# Ёз - ўтмоқда соз



Айни кунларда дарс машғулотларидан ҳориган ўқувчи-ёшлар ёзги таътилни мароқли ўтказиш мақсадида турли соғломлаштириш оромгоҳларида хордик чиқаришмоқда.

2023 йил ёз мавсумининг I-навбатида Термиз туманидаги 87 нафар болалар воҳамиздаги “Амударё” болаларни соғломлаштириш оромгоҳи, “Бешбулоқ” ҳамда “Вандоб” сўлим дам олиш ва соғломлаштириш масканларида таътилни мароқли ўтказишмоқда. Ушбу навбатда энг аввало тумандаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ҳамда оилавий болалар уйлари фарзандлари бепул дам олиши режалаштирилган.

Мазкур оромгоҳларда болаларнинг вақтини мазмунли ташкил этиш учун барча шароитлар яратилган. Спорт майдончалари, чўмилиш ҳавзаси, қўчма кутубхона, турли тўгараклар фаолият юритмоқда.